



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Илёсжон Сиддиқов

Фарғона давлат университети фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа доктори (PhD)

ЎРТА АСР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИЛМ ВА УНИ ЭГАЛЛАШ ОДОБИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ

Аннотация

Мақолада Ўрта аср Шарқ алломаларининг илм ва уни эгаллаш одобига доир қарашлари, илм-маърифат ҳосил қилиш воситалари ҳақида тўғри тушунчага эга бўлиш, ислом теологиясида гносеологик фаолият мезонлари, унинг ахлоқий жиҳатлари, илмнинг инсон ва жамият тараққиётига таъсирининг теологик-гносеологик талқини тарихий-фалсафий ёндашув асосида очиб берилган.

Калит сўзлар: Ислом теологияси, ақоид илми, илоҳиётшунослик, Ислом, гносеология, Қуръон, ақл

Ўрта аср Шарқ алломаларининг илоҳиётга ва оламни билишга доир қарашларида илм олишга чорланган ва илм олиш машаққатига ҳар бир инсон ўзини топшириши шартлиги алоҳида таъкидланган. Илм олишга чорлов сифатида кўплаб ислом оламининг етук вакиллари, дин пешволарининг ҳаёт йўли мисол қилиб келтирилган. Жумладан, “шаҳарлар фатҳ қилиниб, Ислом ҳудудлари кенгайгач, Ибн Аббос розияллоху анҳумо Шом бўстонлари ва Ироқнинг унумдор ерларидан Мадинанинг жазирама иссиғини афзал кўрди. Ул зот шундай деган: Шаҳарлар фатҳ қилингач, одамлар дунёга юзланди, мен Умар ибн Хаттобга юзландим”. Демак, бундан кўринадикки Ибн Аббос ўз ҳаёт йўллари илм олишга бахшида қилган.

Илоҳиётчи Абу Ҳомид Ғаззолийнинг фикрича, илм энг афзал нарса бўлгач, уни ўрганиш ва ўргатиш ҳам афзал иш бўлади. Инсонларнинг ғояси, мақсади дин ва



дунёга алоқадордир. Диний низом дунёвий низомсиз вужудга келмайди. Зеро, дунё охират экинзоридир. Дунёни ватан ва доимий қароргоҳ деб тушунмасдан, уни восита сифатида билганлар учун дунё Аллоҳга элтувчи йўлдир[1:32]. Абдуллоҳ ибн Аббоснинг илм олиш машаққати ва ўзининг илмга чанқоқлигини қуйидаги воқеа билан тушунтириб беради. Яъни у айтадики: “Убай ибн Каъбанинг уйига келардим, у дам олаётган бўлса, эшиги олдида мизғиб олардим. Менинг келганимни билса, Расуллуллоҳга қариндошлигим боис уйқусини бузарди, мен эса буни хоҳламас эдим”. Яна бири, Имом Шайбанидан “Шунча илмни қаердан олдинг?” деб сўралди. “Суяниб ўтирмадим, илм учун шаҳарлар кездим, эшакдай сабр қилдим, қарғадай эрта турдим” деб жавоб бердилар. Шу боис бугунги кунда ёшларга илм олиш машаққатини сингдиришда ва илмнинг қадрини кўрсатишда бундай ҳаётий воқеликлардан фойдаланиш ва замонавий илмий муҳитга олим ва ориф муносабатларида тоқатлилиқни шакллантириш муҳим вазифалардан биридир.

Ислом илоҳиётига кўра, илмга интилиш, илмга ташна бўлиш пайғамбарлардан бошланган. Убайд ибн Каъб розияллоҳу анҳу Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламдан ривоят қилади: “Мусо алайҳиссалом қавмида хутба қилиб турганда, “Энг илмли инсон ким?” деб сўралди. “Мен энг илмлиман”, деб жавоб бердилар. Аллоҳ таоло “Аллоҳ билувчи” демагани учун Мусо алайҳиссаломга танбеҳ берди, “Икки денгиз жамланган жойда сендан олимроқ бандам бор”, деб ваҳий қилди[2:125-127]. Унинг бу жавоби ортидан содир бўлган воқеалар ҳам ислом дини учун илм қанчалик қадри бўлганлигини англашга имкон беради. Демак, илмга рағбати баланд, унинг қадрини билган халқ, шубҳасиз, ҳар соҳада пешво бўлади. Илмни беқадр санаб, олимларни ҳурмат қилмаган халқ заволга юз тутаяди.

Ислом теологияси ҳар бир мусулмон учун ўзига керакли, ҳаёти учун зарур бўлган илмни, дину диёнатни, ҳалол-ҳаромни билиши, бунинг учун зарур бўлган нарсаларни ўрганишга ундайди. Ҳар бир мусулмон бу ишни қилиши шарт, қилмаган одам гуноҳкор бўлади. Мусулмонлар жамоаси учун керакли бўлган хунар ва илмларни талаб қилиш эса фарзи кифоядир. Ҳаётнинг ҳар бир соҳасида етарли мутахассисларни тайёрлаб олиш ислом жамиятининг барча аъзоларига фарз бўлади. Эҳтиёжни қондирадиган даражада ва ададда мутахассис тайёрлаган жамият аъзолари бўйнидан мазкур умумий масъулият соқит бўлади. Бу фарз энди ўша мутахассислар зиммасига ўтади. Агар жамиятда уларнинг соҳаси бўйича камчилик юзага келса, гуноҳи ўша мутахассисларга бўлади[3:69]. Шайх ҳазратлари фикрича, ислом кишиларни илмга чақириш билан кифояланиб қолмай, ақлий ҳаракатчиликнинг олдини олиш асосларини ҳам кишиларга кўрсатган. Бу қуйидаги нарсаларда аён бўлади:

1. Ислом далил ва ҳужжат динидир. Яъни илм бирор нарсани ҳужжат ва аниқ далил билан боғламагунча, уни ҳақиқат дея тан олмайди. Қуръон ҳам мусулмонларга далилсиз нарсани қабул қилмасликни буюради. Шубҳасиз, охират йўлининг фикҳи бўлган диний илмлар етук ақл ва соф заковат билан қўлга киритилади. Ақл инсоний сифатларнинг энг улуғи ва шарафлисидир. Бунинг баёни кейинроқ келади. Зеро, ақл билан Аллоҳнинг омонати қабул қилинади, Унинг розилигига эришади[4:35].
2. Ислом аниқлик дини, гумон дини эмас. Ислом доимо мавҳум нарсани аниқ деб айтишдан қайтаради. Гумонни рост дейиш тўғри эмас. Бир масала тўғри ёки нотўғри эканлигини билиш учун унинг ҳужжатиغا, ҳужжатнинг кучига қаралади, агар ҳужжати кучли бўлса, масала ҳақиқат, ҳужжати кучли бўлмаса, масала гумон.



Мана шу илмий фикрлаш Қуръон таълимотларига ҳам тўғри келади. Эътиқод ва қалбга тегишли ишларда шубҳа, хавотир пайдо бўлса, унинг илмини ўрганиш шартидир. Агар икки шаҳодат калимаси далолат қилган маъноларда шубҳа туғилса, уни даф қиладиган илмни ўрганиш лозим бўлади. Аммо шубҳага бормасдан, Аллоҳ таолонинг сифатларига, У зотнинг каломи қадим эканига, охиратда Уни кўришга ва бошқа нарсаларга муфассал эътиқод қилмасидан олдин вафот этса, бутун уламолар ижмосига кўра, у мусулмон ҳолида кетган бўлади[4:38]. Қуръон гумон ва хаёлий нарсалардан эҳтиёт бўлишга чақиради, чунки бундай нарсалар одамларни тўғри йўлдан адаштириб, эътиқодини бузади.

3. Ислом тақлиднинг душманидир. Илм бир нарсага ишонч ҳосил қилмай туриб, далилини билмай туриб, тақлид қилишдан қайтаради. Бу борада ҳозирги замон илми эски илмга тўғри келмайди, чункиқадимда, хусусан ўрта асрларда европаликлар бирор нарсанинг тўғриёки нотўғрилигига машҳур кишилардан баъзиларининг фикрига қараб баҳо берар эдилар. Мисол учун, Арастудан чиққан ҳар бир фикр тўғри бўлади, ундан хато фикр чиқиши мумкин эмас, деган фикрга ўхшаш. Илм кўр-кўрона тақлиддан қайтаришда Қуръон билан мувофиқдир [3:71-73]. Демак, ислом дини моҳиятан илмни қадрловчи, унга рағбат кўрсатувчи эди. Бугун ҳам исломнинг бу ёндашувидан дунёвий илмларни ўрганишга ва ўргатишга йўналтириш ижтимоий тараққиёт учун муҳим вазифалардан биридир. Чунки бугунги кунда дин билан илм-фан ўртасида келишмовчиликлар, бир-бирини инкор қилиш ҳолатлари кузатилаётган вазиятда уларни муросага келтириш, биргаликда фаолият юритиш, ҳамкорлик қилишга йўналтириш зарурлиги ҳам келиб чиқмоқда.

Ислом илоҳиётшунослигида кучли илм эгаларидан бири бўлган Али ибн Абу Толибнинг илм хусусидаги фикрлари, инсонларни илмига қараб тоифалари ҳам бугунги жамиятимиз учун ўрнатилган бўла оладиган воқеъликдир. Унга кўра, Абу Нўъайм Комил ибн Зиёддан ривоят қилади: “Бир куни Али ибн Абу Толиб розияллоху анху қўлимдан тутиб, сахро томонга етаклади. Сахрога етиб боргач, узот бир жойга ўтирди. Сўнгра, бироз нафас ростлагач, бундай деди: “Эй Комил, қалблар идишга ўхшайди. Энг яхши қалб – энг эҳтиёткор қалбдир. Бу гапларни эслаб қол. Инсонлар уч турли бўлади: биринчиси, раббоний олим; иккинчиси, нажот йўлидаги толиби илм, учинчиси, илм билан иши бўлмайдиган оми. Бу тоифадаги одамлар ҳар хил ғавғоларга аралашадиган, бўлар-бўлмас нарсаларга эргашиб кетадиган, ҳар хил рангга мойил одамлардир. Бундай одамлар илм нуридан баҳра олмайди, ишончли асосга таянмайдилар” [5:154]. Унинг хулосаларига кўра, илм молдан яхшироқдир, чунки илм сени кўриқлайди, молни эса сен кўриқлайсан. Илмни ишлатсанг, камаймайди, молни ишлатсанг камаяди. Илм олим учун тирикликда тоат, вафот этгандан кейин эса гўзал хотирадир. Мол эса дунё йўқ бўлиши билан завола топади. Мол-дунё тўпловчилар тириклик чоғидаёқ ўлиб бўлган бўлади, уламолар эса дунё тургунча туришади, ўзлари йўқ бўлса ҳам, қилиб кетган хайрли ишлари қалбларда доимо барҳаётдир.

Ўрта аср Шарқидаги ўқув юртлари толиби илмларни текин таом, китоб, кийим-кечак ва ётоқхона билан таъминлаш оддий ҳол ҳисобланган. Уларни маблағ билан таъминлашни ҳукуматлар, яқка шахслар ва вақфлар ўз зиммасига олганлар. Шу боис ҳам мазкур ўқув юртларидаги толиби илмлар турли илмларни кунт билан ўрганганлар. Мадрасалардаги дарслардан қониқмаган ўткир зеҳдли талабаларнинг ота-оналари ўз фарзандлари учун қўшимча дарслар ҳам ташкил эттирганлар. Тарихчилар бу фикрга буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синони мисол қилиб



келтирадилар. Ибн Сино ёши ўнга етмай туриб, Қуръони каримни ва бошқа бир қанча диний китобларни ёд олади. Сўнгра мадрасадаги дарслар озлик қила бошлаб, хусусий устоздан қонун бўйича дарс олади. Ҳисоб илмини эса бир кўмирфурушдан ўрганади. Сўнгра отаси унга таълим бериш учун фалсафани яхши биладиган Абу Абдуллоҳ исмли устозни келтиради. Ибн Сино ундан бир оз дарс олганидан сўнг устозидан ўзиб кетади. Кейин мантиқ илмини ўрганишга киришади[3:69]. Бу маълумотлардан мусулмон оламининг ажралмас қисми бўлган бизнинг юртимизда ҳам бундан минг йиллар аввал ислом дини фазли ила илмнинг турли соҳаларида етук мутахассислар ва устозлар бўлганлигини очиқ-ойдин англаш мумкин.

Инсон ўзини бахт-саодатга элтадиган илм-маърифатга эга бўлиш учун аввало, ўзидаги илм-маърифат ҳосил қилиш воситалари ҳақида тўғри тушунчага эга бўлиши керак. Қадимда бу ҳақиқатни одамларга баён қилиб бериш ниятида уринган одамларимизнинг энг кўзга кўринган вакилларида бири бўлмиш буюк бобокалонимиз имом Абу Мансур Мотуридий “маърифат назариясини” кашф қилганлар. Ана шу назарияда жумладан, қуйидагилар айтилади: “Халойиқ учун илмнинг воситалари учтадир: соғлом ҳис қилиш аъзолари, ақл ва содиқ хабар. Соғлом ҳис қилиш аъзолари бештадир: эшитиш, кўриш, ҳидлаш, татиш, ва ушлаш. Ҳар бир ҳис қилиш аъзоси ила унга хос бўлган нарса билинади”[6:20]. Аллоҳ таоло инсонга қўшиб яратган туйғулар у дунёга келиши билан инсон учун дастлабки илм олиш воситаси бўлади. Мисол учун, чақалоқнинг биров ўргатмаса ҳам, онасини эмиши, хавф яқинлашганда кўзини юмиши, қорни очганда йиғлаши ва ҳоказолар ана шундай воситалар жумласига киради. Бу илмий тилда туғма қобилият – инстинкт дейилади. Лекин бу тоифадаги илм инсоннинг барча талабларини қондира олмайди. Улар инсон ҳаётининг дастлабки босқичидаги баъзи бир эҳтиёжларнигина қондириши мумкин, холос. Демак, инсоннинг барча қобилиятлари чегараланган бўлгани каби, унинг ҳис қилиш аъзолари орқали оладиган илми ҳам чегаралангандир.

Ҳозирги замон илми дунёда одам боласи ҳис қилиш аъзолари билан била олмайдиган, жумладан, оддий кўз билан кўра олмайдиган, оддий кулоқ билан эшита олмайдиган кўпгина нарсалар борлигини кашф этмоқда. Саодатга эришиш учун маърифат излаб юрган одам ҳис қилиш аъзолари билан саодатга элтадиган илм топиш мумкин эмаслигини тушуниб етди ҳам дейлик. “Ҳис қилиш аъзолари орқали олинадиган илм нуқсонли ва хато бўлиши мумкин экан, унинг нуқсони қандай тўлдирилади ва хатоси нима билан тўғриланади?” деган савол пайдо бўлади, албатта. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзининг “Мукаммал саодат йўли” асрида ушбу саволга “инсон бу каби нуқсон ва хатоларни ақли ёрдамида топган илми ила тўлдиради ва тузатади деган жавобни беради. Унингча, ақл ҳам илм ҳосил бўлиши учун ишлатиладиган муҳим воситадир”[6:22]. Демак, инсон ақли ислом таълимотида билимни шаклланишининг муҳим омили ҳисобланади ва ақлни теранлаштириш ҳар бир инсон учун хатоликлардан қутулиш йўли сифатида келтирилади.

Ўрта аср Шарқ теологиясида ақоид илмининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири Умар Насафий раҳматуллоҳу алайҳи қуйидагича таърифлайди: “Ақл ҳам илмнинг воситасидир. Унда ўз-ўзидан пайдо бўлган илм зарурийдир. Ҳар бир нарса ўзининг бўладиган катта экани ҳақидаги илм каби. Ақлнинг мушоҳадаси орқали собит бўлган илм касбийдир. Ақли ҳақ наздида илҳом бир нарсанинг тўғрилиги ҳақидаги маърифат учун восита эмас”. Демак, инсоннинг ақли илм ҳосил қилиш учун энг муҳим омилдир. Ақл воситаси ила ҳосил бўладиган илм иккига бўлинади. Биринчиси, таҳлил



ва мушоҳадасиз, бир кўргандаёқ ўз-ўзидан пайдо бўладиган илм. Ҳар бир нарса ўзининг бир парчасидан кўра катта экани бир кўришда ўз-ўзидан билинади. Бу “зарурий илм” деб аталади.

Иккинчиси, ақлни ишга солиб, таҳлил ва мушоҳада қилиш билан ҳосил бўладиган илмдан кучлидир. Ақл воситаси ила ҳис қилиш аъзолари йўл қўйган хатолар ҳам тузатилади[6:23]. Юқорида зикр қилинган далил ва ҳужжатлардан Ислом инсонларни илмга тарғиб қилибгина қолмай, балки ўзи ҳам айнан илмий асосгага эканини билиб оламиз. Исломнинг дин сифатида мавжудлигининг ўзи унинг илмий ҳақиқатнинг айнан ўзи эканини англаб етамиз. Исломнинг ҳамма таълимотлари илмий доирада эканини тушунамиз.

Аввал ғарбликлар ислом динини ҳам бошқа динлар каби, илмга қарши қўйдилар. Аммо исломда ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Илм ривожланиб борган сари унинг исломда келган маълумотларни тасдиқлаши кучайиб борди. Аста-секин ислом ақидасида келган маълумотларнинг тўғрилиги илмий кашфиётларни далил сифатида келтириш йўлга қўйилди. Бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда[6:28-30]. Шу тариқа исломдаги ақидавий масалаларга илмий далил келтириш юзага келди.

Ислом илоҳиётида шариат аҳкомлари инсонни мукамал бахт-саодат билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратади. Бу ҳақиқатни тушуниш учун инсоннинг бахту саодатига оид барча бугунги кунда кўтарилаётган масалалар мана шу беш муҳим нарса – дин, жон, ақл, насл ва молни асраш, муҳофаза қилиш иши билан боғлиқдир.

Маҳмуд Асъад Жўшон ўзининг “Пайғамбар алайссалом меросхўрлари” номли китобида ўз хулосаларини қуйидагича келтиради, “ислом дини пайғамбарининг ўргатганларини мукамал ўрганган одамлар у зотнинг талабаларидир. Ҳаётлик даврларида ёнларида бўлган, у кишининг тарбиялари билан камолотга етган инсонлардир. Буларни “саҳобалар” деймиз. Уларнинг илмини ўрганиш ва илм олиш машаққатини англаш ҳам муҳим ижтимоий талаблардандир. Мисол учун, ҳазрати Али диний илмларда энг билимдон саҳобалардан бўлганлар. У зот фатво берувчи, ҳокимлик ва қозилик қилган саҳобалардан эдилар”[7:19]. Фикримизча, саҳобалар илмини ўрганиш ва уларнинг ҳаёт йўли машаққатларини билиш ҳам бугунги илмий муҳитни ривожлантиришга кучли таъсир кўрсатади.

Ўрта аср Шарқ теологияси ҳам, билиш фалсафасида ҳам илм олишда босиқлик, масъулиятлилик ва тинглай билиш юқори даражада кадрланган ва кишиларда бундай сифатлар бўлиши талаб этилган. Буни қуйидаги мисол билан асослаш мумкин. Абдуллоҳ ибн Солиҳ Ажлий айтади: “Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ўғилларидан бири Ибн Саммакнинг илм ҳалқларига қатнашар, аммо одатда бўлиб турадиган баҳс-мунозараларга қўшилмай индамай ўтирарди. Бир куни Ибн Саммок унга: “эй йигит, нега бошқалар ўзаро баҳс-мунозара қилиб турганда сен уларга қўшилмай, жим турибсан?” деди. У эса: “тинглаш учун ўтирдим. Тушуниш учун сукут сақладим. Аллоҳ таолонинг сўзидан бошқа сўзларнинг оқибати надоматдир”, деди. Ибн Саммокдан бу гапларни эшитиб, “аллоҳга қасамки, ўша куни Маъдандан чиқиб кетдим”, деди[5:142]. Демак, илм машаққати унга нисбатан сабрли бўлишни ҳам англатади.

Ислом илоҳиётига кўра, илм – энг улуғ неъмат, олий мартаба, пайғамбарлар мероси, жаннатга олиб борувчи йўлдир. Шундай саодатга эришиш катта меҳнат ва қурбонлик



талаб этади, албатта. Чунки машаққат кўпригидан ўтмагунча бахтга етишолмайди. Бу борада имом Нававийнинг фикрлари алоҳида аҳамиятга эга. Унинг илм олиш машаққатини тортиб кўрмаган инсонни оқил санамаслиги тўғрисидаги қарашларини бугунги кун ёшларига сингдириш илмий-интеллектуал фаолиятга ўзини йўналтираётган лар учун самарали бўлади. Имом Нававий толиби илмни илм олиш машаққатини қуйидагича тавсифлайди: “Толиб илм ўрганишга чанқоқ бўлсин, кеча-ю кундуз вақтини илмга сарфласин. Фурсатини илмдан бошқа нарса билан ўтказмасин, ейиш, ичиш, уйқуга кўп вақт сарфлаб қўймасин. Пайғамбарга меросхўр бўлиш имкониятига эга бўла туриб, уни қўлдан чиқарган одам оқил дейилмайди”. Имом Шофеъий раҳимахуллоҳ айтадиб “талабалар илмга етишиш учун бор кучини сарфлашсин. Илм йўлида қийинчиликларга сабр қилишсин, ниятлари холис бўлсин, Аллоҳдан ёрдам сўрашга рағбат қилишсин”. Низзом айтади: “Илм шундай нарсаки, борингни бермагунингча бир қисмини ҳам ололмайсан, борингни берганингдан кейин ҳам эҳтиёт бўл, ташлаб кетмасин”. Демак, илмга чанқоқ толиби илмлар илм олиш учун жидду жаҳд қилади ва илм мазасини тортган талабага машаққатлар билинмайди.

Ўрта асрлар ислом оламида ва илоҳиётшунослик илмида ўзига хос нуфузга эга бўлган, кучли илм эгаси Ибн Ҳайсамнинг ҳам ҳаёт йўли ўзига хос бўлган. Яъни у бир неча кашфиётлар эгаси бўлишига қарамай, камтарона ҳаёт кечирарди, амирлардан бири унга кўп мол-дунё бермоқчи бўлди, аммо олим рад этди. Бир хизматчи билан бир кунлик озуқасига қаноат қиларди, холос. Бошқа бир мутафаккир Амир ибн Утба ўғлининг устозининг устозига қуйидагича муносабат билдиради: “боламни ислоҳ қилишнинг энг аввали ўзингни ислоҳ қилиш бўлсин. Чунки шогирдларингнинг кўзи сенинг кўзингга боғланган бўлади. Сен қилган ҳамма нарса уларнинг наздида ёмондир. Уларга Аллоҳнинг китобини ўргат. Аммо мажбурламагин, ундан безиб қолишмасин. Лекин уларни ўз ҳолига ҳам ташлаб қўймагин. Қуръондан узоқлашиб қолишмасин. Уларни Ҳадиси шарифлар, яхши шеърлар билан суғориб тўйдиргин. Бир илмни яхши ўрганмагунларича бошқасига ўтма, чунки қалбга кўп нарса кираверса, уларни фаҳимлаб олиш қийин бўлади. Уларга саҳобалар ва солиҳ инсонларнинг турмуш тарзини ўргат, номаҳрам аёллар билан гаплашишдан қайтар. Мени юз-хотир қилиб ўтирма. Мен сенинг кифоя қилишингга ишонаман”[5:156].

Араб-мусулмон фалсафасининг йирик вакили бўлган Ибн Халдуннинг гносеологик қарашлари ҳам диққатга сазовор. Унинг илм олиш машаққати билан йиллар давомида шаҳарларни кезиши ҳам ўша давр ислом оламида илмнинг аҳамиятини тушуниш мумкин бўлади. Ибн Халдун шундай ёзади: “Хилватда теран фикрлар, фасоҳатли сўзлар қуйилиб келарди, уларнинг энг сараларини танлаб олдим”. Бу олим она шаҳри Андалусдан илм излаб чиқиб, йигирма беш йил ўтибгина қайтиб келади. Бошқа бир мутафаккир Ибн Байтор илм излаб бутун Ислом оламини айланиб чиққан. Юнонистон, Рим давлатларида бўлиб, илмни мусулмонлардан ҳам, ғайридинлардан ҳам ўрганган. У Юнонистонда ботаниклар билан бирга тажрибалар ўтказган, кейинчалик, ўзи мустақил ботаника билан шуғулланган. Бақий ибн Махлад илм йўлида чеккан заҳматлари эвазига катта аллома бўлиб етишди, Андулусни илмга тўлдирди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан “Муснад” ёзди, Тохир ибн Абдулазиз айтдилар: “Бақий ибн махладнинг “муснад”идан бир жузини Муҳаммад ибн Исмоилга кўрсатдим, муаллифнинг илмига тан бериб, “Бу китоб илм денгизидан олинган” деди”[2:121]. Бошқа бир мутафаккир Имом Абул Вафо ибн Уқайл бутун умрини илмга бағшида қилган бўлиб, ўзининг ёзиб қолдирганлари бўйича, “умримдан бир соатини ҳам бекор ўтказиш менга ҳаромдир. Агар тилим дарс



қилишдан чарчаса, кўзим билан мутолаа қиламан, кўзим ҳам чарчаса, фикрим билан дарс қиламан, ўқиган китобим хаёлимда гавдаланади, саксон ёшимда ҳам йигирма ёшимдагидек илмга интиқман”. У киши яна айтади: “Овқатланишга жуда кам вақт ажратаман. Нондан кўра сувга аралашган талқонни афзал кўраман, чунки чайнашга вақт кетмайди”. Бошқа бир мисол, Абу Зарр розияллоху анхунинг олдида бир одам келиб, “Мен илм ўрганишни хоҳлайман, лекин олган илмимга амал қилмай, уни зое қилиб кўйишдан кўрқаман”, деди. Абу Зарр рорзияллоху анху унга: “Жоҳил бўлиб юрганингдан илмли бўлишининг яхшироқ”, деб жавоб бердилар[5:142]. Умуман олганда ўрта асрлар ислом олами илм олишга кучли эҳтиёж сезган ва ўша даврда ислом дини бу эҳтиёжни ўзининг илмга рағбати, ундови билан таъминлаб берган. Шунингдек, ҳукмрон давраларда ҳам илм фанга қизиқадиган, уни қадрлайдиган ҳукмрон қатламнинг шаклланиши ва улар томонидан илмга ҳомиёликни кучайиши ҳам илмга бўлган муносабатнинг ўзгаришига ва илм олувчиларни кўпайишига таъсир кўрсатади.

Хулоса қилганда, бугунги кунда барча жамиятларда илм олишга бўлган қизиқишни ва эҳтиёжни камайиб бораётганлиги бир шароитида ислом фалсафсидаги илмга жиҳод қилиш анъаналарини ва илмни қўллаб-қувватлаш самарасини кўрсатиб бериш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Ғаззолий, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад. Ихё улум ад-дин. Таржимон Мубашшир Аҳмад. –Тошкент.: Тошкент ислом университети. 2014.
2. Саржоний, Доктор Роғиб. Ислом ва олам. –Тошкент.: Имом Бухорий халқаро маркази. 2018.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. –Тошкент.: “HILOL-NASHR” нашриёти. 2019.
4. Ғаззолий, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад. Ихё улум ад-дин. Таржимон Мубашшир Аҳмад. –Тошкент.: Тошкент ислом университети. 2014.
5. Ҳоний ал-Ҳаж. Солиҳлар гулшани. –Тошкент.: “Hilol-Nashr”. 2021.
6. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Мукамал саодат йўли. –Тошкент.: “HILOL-NASHR” нашриёти. 2019.
7. Маҳмуд Асъад Жўшон. Пайғамбар алайссалом меросхўрлари. –Тошкент.:Ғофур Ғулом НМИУ, 2018.
8. Siddikov, I. (2021). Education-the principal value of medieval muslim civilization. *InterConf*.
9. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).
10. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.